

Янги ўқув йилига тайёргисиз?

ТАЪМИРЛАШ ЯКУНЛАНМОҚДА

Маълумки, шу кунларда жумҳуриятимизнинг барча мактаблари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари муассасаларда 1992—1993 ўқув йилини муносиб кўтиб олиш учун тайёргарлик ишлари бормоқда. Таъмирлаш ишларига барвақт киришган ишбилармон мактаб раҳбарлари янги ўқув йилига тайёргарликни тугаллаш арефасида турибдилар.

Бойвот райониде бундай яхши ташаббусни қандай амалга ошириётганлигини ўрганиш мақсадида, жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг топишириги кўра, бир гуруҳ вакиллари район мактабларида бўлиб, ҳақол билан танишдилар.

Шундан сўнг район марказидеги Н. К. Крупская номида 6-ўрта мактаб биносида йиғилиш бўлиб, унда район раҳбарлари, мактаб директорлари ва оталик ташкилотлари вакиллари қатнашди.

Йиғилишда Бойвот район халқ таълими бўлими mudифи Қаршибой Эшназаров очиб, район бўйича олиб борилган ишлар ҳақида қисқа маълумот бериб ўтди.

Хазир район бўйича 47 та мактаб, 7 та боғча ва 3 та мактабдан ташқари муассасалар бўлиб, шулардан 26 та мактаб, 5 та боғча ва муассасалардан 1 таси тўла таъмирлашни тугатди.

Шу йил апрель ойида район халқ таълими раҳбарларини йиғиб, мактабларда қандай таъмирлаш ишларини олиб бориш масаласи муҳокама қилинганди. Бу нарса аниқлангач, таъмир ишларини 10 августга қадар якунлаш кўзда тутилди. Шунингдек, мактабларга қайси ташкилотлар оталиқ қилишлари ва зарур ердими ўз вақтида беришларини белгилаб чиқилди. Белгиланган юмушлар мuddатида тугеланди.

Йиғилиш охирида Сирдарё вилояти Бойвот район ҳокимияти, район халқ таълими бўлими, оталиқ ташкилотлари, махалла кўмиталари ва кишлоқ кенгашларига қарата мурожаат қабул қилинди.

Бу дaстур мажлиси ахли томонидан маъқул топилди. Унда шу йилнинг август ойида райондаги барча мактаблар янги ўқув йилига тахт қилиниши бунинг учун кенг жамоатчилик кўлиден келадиган барча ердими лозимлик лозимлиги кўзда тутилган.

Х. ЯУЛДОШЕВ.



Аввал хабар берганимиздек, анжуман Р. Шредер номидаги узумчилик ва боғдорчилик илмий-техника институти боғида байрамона руҳда бошланди. Кенса маорифчиларини ва у ерда иштирок этганларнинг хотиришларини, ўқитувчиларнинг аввалги август кенгашлари бундай жойда бўлиб ўтган эди. Ишга қарата ушбу кенгашларда қарнай-сурайлардан, мусқал асбобларидан таралатган оҳанглардан анжуманининг ўзига хос, ноанъанавий ўтишидан, ўқитувчилар учун тузилган дастурхон аса ўзбек деҳқонининг саховатидан дарак бериб турибди.

Кенгаш қатнашчиларига Тошкент район ҳокимиятининг «Шонли меҳнат» газетаси тарқатилган. Газета саҳифаларида Тошкент райони халқ таълими бўлими mudифи Э. Махмудовнинг «Таълим ва тарбия самаралорини ошириш мақсадида» сарлаҳавали мақаласи ҳамда район халқ таълими бўлимининг ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга оширишнинг 1992-95-йилларга мўлжалланган дастури эълон қилинган. Дастур кенгашини янча қатнашчилари учун янча маъқул бўлиб қолишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шунингдек, район халқ таълими бўлими ходимлари алоҳида варақа шаклида «Таълим тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш юзасидан тавсияларини анжуман иштирокчилари ҳукмига ҳавола этдилар.

Давра сўҳбат шаклида бошланган кенгаши кўрган киши хаёлини беихтиёр тадбиркорлик, ҳамма нарса олдидан кўра билишнинг натижалари эъмоминан, деган ўй чулгайди.

Тадбиркорлик маорифчиларга ишбилармон раҳбар — район ҳокими Р. Акбаровдан юққан. У анжумани очар экан, тўққизлаиб шундай деди:

— Ўқувчиларнинг намунавий август кенгашлари республикада биринчи марта Тошкент райони заминиде ўтказилмоғи лозим, деган қарорга келинди. Бу беиз эмас, албатта. Бугун ишорларимиз ҳам бошқача

ТОШКЕНТ РАЙОНИ МАОРИФЧИЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИДА

ешларнинг билимига, тажрибасига боғлиқ. Бугун ўзбекистон истиқболи учун меҳнат қиладиган билимли йигит-қизларни тарбиялашдек улкан вазифалар турибди. Бу вазифаларни амалга ошириш, энг аввало, муаллимлар зиммасига тушади. Бунинг ахши тушунган республикамиз раҳбарияти бугунги кунда ўқитувчиларни яхши яшашлари, ишлашлари ва дам олишлари учун барча шароитларни имкони борича яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадларда ўзбекистон Президентининг бир неча фармонлари эълон қилинди, бу ўқитувчиларга, халқ маорифига катта ғамхўрликдир. Маорифчилар олийк маошларининг бир неча бор оширилди, айрим солиқлардан тўла овоз қилиниши, давлат уйлариининг хусусий мулк қилиб берилиши, ер майдони ажратиши, тонон тўлаш каиб бир қанча тadbирлар катта ҳиммат намунаси.

Республика Президентининг маорифчиларга турли имтиёзлар бериш тўғрисидаги фармонларини бажаришда район раҳбарлари алоҳида фаоллик намуналарини кўрсатдилар. Масалан, кейинги ойлар ичиде давлат, жамоа ҳўжаликларида, коммунал ҳўжалик уйларида яшовчи 100 нафарга яқин ўқитувчиларнинг хонадонлари хусусийлаштирилди. Қишлоқда яшовчи барча маориф ходимлари, пенсияонер ўқитувчилар (уларнинг сони 2383 нафар) коммунал тўлов хизматларидан тўла овоз этилдилар. Шаҳарда ва Келес шаҳри ҳудудида 583 нафар маорифчиларимиз бу тўловдан 50 фоизга овоз этилдилар. Ушбу мақсадлар учун жама 700 миғ сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди.

Маорифчиларнинг бир ярим ёшдан 18 ёшгача бўлган болалари учун тонон пуллари ўз вақтида тўланиб келинати, бу йўлдаги сарф харажатлар 2860000 сўмин тақчил этиди.

Ўқитувчиларга ер майдони ажратишга ҳам катта эътибор берилди. Фармон чиққунча ер участкаси ва



либ, нафақа ёшига етган кўпгина ўқитувчиларда, ҳатто «Халқ таълими алоҳисис» деган нишон ҳам йўқ. Тошкентда қатор камчиликлар мавжуд. Уч миғдан ортиқ маорифчиси бўлган районда атиги олти кишигина борди-кедилар билан олий тоғфага ўтказилган.

Анжуманда ўзбекистон Халқ таълими вазيري Ж. Р. Яулдошев ҳам маъруза қилди. У йиғилиш қатнашчиларининг асосий эътиборини халқ таълимини янги босқичга олиб чиқиш, миллий мактаб тизмининг яратилиши, дастур ва дарсликларни ихчамлаштириши, уларни мазмунан бойитиш масалаларига қаратди.

Кейинги йилларда сўз ва иш билиги йўқолди, деган тушунча пайдо бўлганди. Р. Шредер номидаги узумчилик ва боғдорчилик илмий-техника институтининг боғида ўтказилган Тошкент райони ҳокимияти ва халқ таълими ходимлари август анжумани ҳеч қандай шубҳага асос йўқлигини кўрсатяпти. Мана, ишласа буларкан, деб таъкидлади у.

Мустақиллигимизга бир йил бўлди, бу даврда маорифда нима ишлар қилинди, деган савол турлишан табий. Ўрта умумтаълим мактаблари, тўрт йиллик бошланғич мактаб, республика ҳўнар-техника таълимини ривонланштириш, мактабгача тарбия концепциясини яратилиши, Улар юзасидан жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида 500 нафарга яқин муаллимлар дам олиш маскаларида бўлиб қайтилди. Қилинган ишларнинг баъзилари раҳбарларнинг аччаси инобатта олинди.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИЛАНИШ — ИСТИҚБОЛ ЙўЛИ

БОЛАЛАРИМИЗ ХУРСАНД БўЛСА...

Шу кунларда «Болалар дунёси» савдо дўконлари қишида ташиқл этилган махус «Мактаб бозори» бўлимлари харидорлар билан гавжум. Кемдир ўқув қуроллари, бошқаси эса мактаб кийим-кечакларини харид қилмоқда.

«Болалар дунёси» савдо фирмасининг 2-дўкони директори Миртоҳир Пулатович Ҳайдаров бу йил ўқувчиларни мактабга керакли жиҳозлар билан таъминлашни йўлга қўйилганини тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Дўконимизда ташиқл этилган «Мактаб бозори» 1 августдан 10 сентябрга давом этиди. Унинг ўтган йилдангидан фарқи томони шундаки, мактабларнинг ўзида савдо-сотиқ ташиқл қилинмайди, балки дўконларда, кўчаларда, махус белгиланган жойларда ва мактабларга хизмат қилиш ташиқл этилган. Биз асосан Юнусовод, Мирзо Улдуғбек, Сирғали ва Миробод районларидаги 38 та мактабга хизмат кўрсатамиз. Мана, ўзининг гувоҳи бўлиб турибсизки, янги ўқув йили яқинлашиб қолганига қарамастан, ҳеч қандай узундан-узун навбатлар, ортиқча гаплар асабузарликлар йўқ. Бунинг сабаби, биринчидан, сотувчиларнинг хушмуомалаларига бўлса, иккинчидан, ишининг янгича йўлга қўйилганлигидир. Биз қайси кунни қайси район мактабларга хизмат қилишимизни вақти-вақти билан радио орқали эълон қилиб тураемиз. Қарабсизки, харидор ҳам, биз ҳам хурсанд, ортиқча оворгарчиликларга ўрин йўқ.

Кези келганда, бу йилги «Мактаб бозори» савдо-сотиқнинг яна бир янгилик томони тўғрисида ҳам гапириб ўтишга тўғри келади. Унингизга ахши маъдумки, нарх-наво ўтган йилдангиде исбатан бир неча баробар кўтарилиб кетди. Бунинг устига ўқувчиларнинг мактаб кийимлари тақчил. Ана шундай бир шароитда ота-оналарга озгина енгиллик яратиб бериш мақсадида бу буюмларини мактаб директорининг ижозати қўйилган алоҳида хўжжат асосида сотишга қарор қилинди. Бундай хўжжат билан сотиладиган кийим-кечаклар арзонлаштирилган нархда сотиладиган.

Бола хурсанд бўлса, дунё обод, дейишадди. Ҳар қандай оғир шароитда ҳам келажакки, истиқболимиз ағаси бўлган болаларимизни хурсанд қилишимиз, уларга барча қудайликларини яратиб беришимиз керак. Чунки улар учун қиладиган хизматимиз Ватанимиз келажакки учун, мустақил ўзбекистонимиз учун қиладиган хизматимиздир.

З. УСМОНОВА,
мухбиримиз.

бўлишига интилимимиз шарт.

Динга муносибат борасида ҳам бутун оғирлик болалар зиммасига тушяпти. Болаларимиз маърифий жиҳатдан, илмий, ҳам диндор, ҳам билимдон бўлишса, шу қаторда улар тижорат йили, дунёвий билимларини ошратларини эгалласалар, тараққиёт сари қи тунтишимиз аниқ.

Мана, сентябрь ҳам эшиқ қоқиб турибди. Ешларга таълим-тарбия беришдек эзу йўлда сиз азияларга омад ёр бўлсин, дейман.

Жонажон ўзбекистонимизнинг мустақиллик кунига бир йил тўлишига саноқли дамлар қолди, — деб сўз бошлади Тошкент райони касаба уюшмаси комитетининг раниси К. Жамолдинова. — Шу бир йил ичиде биз анча синовлардан ўтдик. Энди баралла айта оламиз, ўзбекистон — тараққиётга юз тутган Ватан. Бизнинг ёшларимиз чет элларда илм ола бошладилар. Сир эмаски, ҳар қандай жамиятнинг келажакки

Ўзбекистон — Ватаним менинги!

ЗИЁ ТАРАТУВЧИ МАСКАН

Ўзбекистонимизнинг сўлим ва баҳаво гўшаларидан ҳисобланган Чуст шаҳрида педагогика билим юртининг фаолият кўрсатаётганига шу йил чорак аср бўлди. Билим юрти ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия ишлари ўзига хос бир услубда йўлга қўйилганлиги билан диққатга сазовордир. Бу даргоҳда бошланғич синф ўқитувчилари ҳамда маиший меҳнат ўқитувчиларини тайёрлаш гуруҳлари мавжуд бўлиб, 1200 нафар талаба тахсил кўради. Ундаги 48 та фан кабинетини, 6 та ўқув устанонаси мавжудлиги ўқувчиларнинг ёш авлодга билим бериш сир-асоратларини эгаллашларида қудайликларини яратиб бермоқда.

Албатта, зиё ўчоғи юртимизга ўтган даврда бир қатор машҳур кишиларни етиштириб берган. Шунинг учун ҳам, унинг донғи жумҳуриятимизнинг бурчак-бурчакларига етиб бориб, айни кунда турли вилоят,

ҳатто бошқа жумҳуриятлардан ҳам бўлажак педагоглар бу даргоҳда тахсил кўришмоқда. Ҳамма қудайликларга эга бўлган 750 ўринли ётоқхона, 300 ўринли ошхона талабалар хизматида.

— Билим юрти моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мураккаб шароитда фақат давлат бюджетига суяниб қўл қовуштириб қараб ўтириш мумкин эмас, — дейди биз билан сўҳбатда билим юрти директори, тажрибали педагог Моҳин Хотамова. — Шунинг учун ҳам биз жамоа ва давлат ҳўжаликлари билан шартнома тузганмиз. Талабаларимиз таътил кунларида шартнома асосида пахтакорларга ердан беришадди. Шуниси қувонарлики, талабаларимиз дала ишларини мажбурий деб эмас, балки ўз хоҳиши-истаклари билан бажарадилар. Бу шарт

номанинг бизга икки томонлама фойдаси бўлмоқда. Яъни, биринчидан, моддий жиҳатдан билим юртимизга фойда келтирмоқда, иккинчидан эса, ўқувчиларимизни меҳнатсеварликка ўргатмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни истардимки, биз ўқувчиларга таълим-тарбия беришни асосий вазифамиз деб, уларни ҳаётга тайёрлашни эса бурчимиз деб билмоғимиз лозим.

Чуст шаҳрининг сўлим Камарсада даҳасида жойлашган Муҳаммадшариф Суфизода номидаги Чуст педагогика билим юрти жамоаси давр билан, замон билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб мустақил ўзбекистонимиз истиқболи йўлида қадам ташламоқда.

С. ҲАСАНОВА.

МУШТАРИЙЛАР ДИҚҚАТИГА



1993 йил учун
ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА

ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БУЛИМЛАРИДА, ИШ ВА УҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: БИР ЙИЛГА — 364 СЎМ.
ЯРИМ ЙИЛГА — 132 СЎМ.

Ф. 60-1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Мабуот» уюшмаси»

АБОНЕМЕНТ	Рўзнома ойнома	64595									
"МАЪРИФАТ"		(нашр кўрсаткичи)									
(нашр номи)		Обуна соми									
1993 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(почта кўрсаткичи)											
Кимга											
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)											
РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ											
п. в. жойи		64595									
"МАЪРИФАТ"		(нашр кўрсаткичи)									
(нашр номи)											
Обуна янги маъруза юбориш	Баҳоси	Сўм		Обуна соми							
1993 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(почта кўрсаткичи)											
Кимга											
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)											

